

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**  
**МУСИҚИЙ ШАРҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**Ноталаштириш фанидан**

**КУРС ИШИ**

**“Анор” ашула ва рақс ансамбли**  
**фаолиятига доир**

(Фарғона экспедицияси материаллари  
асосида)

**Бажарди:** БМФФ 3-курс талабаси

Норқўзиев. Ж.

**Раҳбар:** Қурбонов Х.

• Тошкент – 2010

**Режа:**

Кириш

1. Фарғона мусиқа фольклорига қисқача изох
2. "Анор" ашула ва ракс ансамбли тарихи ва бугунги фаолияти.
3. Ансамбльнинг ўзига хос томонлари.

Хулоса.

Ўзбек мусиқаси санъатининг энг қадимги намуналарини бугунги кунгача сақлаб келаётган жанр – фольклор жанри ҳисобланади. Неча минг йилларни босиб, кадр қимматини йўқотмасдан, аждодларимиздан меърос бўлиб келаётган бу жанр, ҳозирги кунда миллатимиз кўзгуси кадр қиммати, ўзбек халқининг маънавий бойлиги, анъанавий маданиятимизнинг дурдоналаридан ҳисобланади.

Санъатни ниҳоятда кадрлайдиган халқимизнинг бу дурдоналарини чуқур ўрганиб, янада сайқал бериб, келажак авлодга етказиш шу миллат фарзандиман деган ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланади.

2010-йил Тошкент Давлат Консерваторияси ўқитувчилар ва талабаларидан тузилган гуруҳнинг Фарғона вилоятига уюштирилган экспедицияси узоқ тарихга эга бўлган анъанавий маданиятимизнинг давомчиларини бугунги кундаги фаолияти билан яқиндан танишишга қаратилган эди.

Фарғона водийсининг мусиқа фольклори ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Бу ерда асосий ўринни куй диапозони унча катта бўлмаган, тузилиши содда ва айни вақтда кўп қиррали мазмуни, бой тасвирий имкониятлари, чуқур таъсирчанлиги билан ажралиб турадиган кўшиқ-ашулалар, кўпроқ дутор ёки доира жўрлигида ижро этиладиган хотин-қизлар кўшиқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, оксак бадий-тасвирий имкониятлари ва метро-ритмик эркинлиги билан ажралиб турувчи катта ашула (ёки патнис ашула)нинг ҳам “ватани” Фарғонадир.

Экспедиция давомида вилоятнинг қатор туман ва шаҳарлари билан бирга Қува туманида ҳам изланишлар олиб борилди. Бу туман юртимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари – Таваккал Қодиров, Махмуджон Тожибоев, Эркин Рўзиматов, Абдухошим Исмоилов, Абдулхай Каримов кабиларни етиштириб чиқарганлиги билан эътиборлидир. Ҳақиқатан бу ер аҳолисининг аксарияти санъатга қизиқувчилар ҳисобланади. Нафакат қизиқувчи, балки умрини санъатга бахшида этган инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Мана шундай инсонларнинг ҳаракатлари билан туманда бир нечта фольклор ансамбллари ташкил этилган. “Анор” ашула ва ракс ансамблини шулар қаторига киритишимиз мумкин.

Ансамбль асосчиси Мухтор Тешабоев 1941-йилда Қувада туғилган. Тошкент маданият институтини Хор дирижёрлиги мутахассислиги бўйича Нодиржон Мирзаев синфида тамомлади. 1965-йилда Қувага қайтиб бориб, “Анор” ашула ва ракс ансамблини ташкил этади. Шу пайтларда

Ўтказиладиган халқ дасталари конкурсларининг кўп мартаба голиби бўлиши билан бир қаторда, ижоднинг дастлабки йиллариданок кўплаб хорижий давлатлар – Афғонистон, Бельгия, Россияда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек фольклор намуналарини ижро этишади.

1970-йиллардан буён бу ансамблда фаолият юритиб, жонбозлик қилиб келаётган, Саёхатхон Маликованинг айтишича, ансамбль аъзолари "Мархабо талантлар", "Сарчашма", "Ёрқин ҳаёт", "Қизлар давраси" каби кўрсатувлар иштирокчилари бўлишган. Саёхатхон Маликова 30 дан ортиқ шогирдлар етиштирганлар. 40 йиллик фаолияти давомида Болгария, Голландия, Литва, Белгия каби давлатларга сафарлар қилган. Мустақиллик йилларидан халқ фольклор ижод намуналарини тўплаб, уларни оммага тадбиқ қилишдек улуғ ишга қўл уриш давомида яна кўплаб ютуқлар соҳибаси бўлганлар.

Сухбат давомида халқдан олиб, биров сайқал берилган "Жоним ўзимга керак" фольклор кўшиғини доира чалиб куйлаб бердилар. Яна, Фарғона водийсига хос бўлган турли хил доира усулларида келин саломларни шогирдлари билан куйлаб беришлари даврага ажойиб бир фойза олиб келди. Саёхатхон опанинг айтишларича доира жўрлигидаги келин саломлар тарихи асли Қўқон шаҳрига бориб такалар экан.

Ансамблнинг яна бир аъзоси Солиев Нўмонжон Раҳмонович 1989-йилда туғилган. Санъат коллежини тамомлагандан сўнг 2008-йилда анъанавий ижрочилик бўйича мусиқа раҳбари лавозимида шу гуруҳда иш фаолиятини бошлаган. Иш билан бир қаторда миллий эстрада йўлида ҳам ижод қилиб туради. Ҳозирда кўшиқлари радио ва телевиденияларда омма эътиборига тақдим қилинмоқда. Сухбат давомида "Томадим" катта ашуласини ва Фарғона йўлида "Турса жанон уйкуда" кўшиғини ижро этиб берди.

Репертуар масаласи оқилона ечим топган. Яъни асосий манба халқ ижоди ҳисобланади. Халқдан олинган кўшиқлар кўйта ишланиб, сайқалланиб, ўзлаштирилади ва турли байрам ва томошаларда ижро этилади.

Ансамблнинг яна бир ажойиб тамонларидан бири шу дақиқа, ансамбль кўрик танловлар уюштириб, унда голиб бўлган иштирокчиларни ансамбл таркибига киритишади. Доимий таркиб ва сифатни сақлаш мақсадида эса тайёрлов мактаблари ташкил қилинган. Бирор киши ўқишга ёки бирор сабаб билан асосий таркибдан кетадиган бўлса, ўрни тайёрлов мактаблари томонидан тўлдирилади. Ҳозирда ансамблнинг асосий таркибида 50 дан зиёд кишилар ижод қилишади. Бир ҳафтада икки кун репетиция ва бошқа

кунлари турли жойларда ўтказиладиган байрам, тадбир ёки ижодий кечаларда иштирок этишади.

Гуруҳ байрам ва томошалардан ташқари халқ тўй-тантаналарида ҳам хизмат қилишади. Шу гуруҳда мусиқа раҳбари лавозимида фаолият юритувчи Солиев Нўмонжон Рахимович бошчилигидаги 11 кишидан иборат бўлган таркиб, ҳозирги кундаги эстрада кўшиқларидан тоқатта ашула ва мақомларгача ижро этишади. Фольклор кўшиқ ва ашулаларидан ҳам кенг фойдаланишади. Турли хил жанрдаги кўшиқларни ижро этиб, халқ талабларини қондириб келади.

Глобаллашув натижасида ёшларимизнинг аксарияти неча минг йиллик миллий маданиятимизни четлаб ўтиб, Европа маданиятига интилаётган бир пайтда бу муқаддас бурчни ўз зиммаларига олиб, умрини бу йўлда сарфлайдиган миллатпарвар инсонларга жамиятимиз бошқа даврлардан кўра бугунги кунда жуда мухтож. Афсуски қадимдан сақланиб келаётган бу анъанани давом еттираётган гуруҳлар халқимизнинг жуда озиқисмини ташкил этади. Вазиятдан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, бу давомчиларнинг ишлари оддий ўйин-кулгу эмас, балки миллатимизнинг маънавиятини тиклаш йўлида қилинаётган **жасорат** дея баҳолаш ўринлидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексеев Э. Фольклор в контексте современной культуры. М., 1988.
2. Квитка К.В. О критике записей произведений народного музыкального творчества // Квитка К.В. Избранные труды в двух томах. Том II. М., 1973. С. 30-38.
3. Квитка К.В. О постановке тактовой черты // Квитка К.В. Избранные труды в двух томах. Том II. М., 1973. С. 40-46.
4. Квитка К.В. О природе пауз в народных напевах // Квитка К.В. Избранные труды в двух томах. Том II. М., 1973. С. 66-68.
5. Тахалов С. Проблемы исполнения и нотной записи узбекской и таджикской традиционной инструментальной музыки. // КД; Т., 1991
6. Ф. Кароматли. Ўзбек халқ мусиқа меъроси. 1-том. 1978-чил.